# Набий алайҳиссалом намоздан фориғ бўлсалар...




10:23 / 24.03.2025    1269

Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар намоздан фориғ бўлсалар:

> ??? ?????? ?????? ????? ???????? ??? ??????? ????
> ???? ????????? ?????? ????????? ?????? ?????
> ????? ?????? ???????? ???????? ??? ??????? ?????
> ?????????? ????? ???????? ????? ???????? ?????
> ???????? ??? ??????? ?????? ???????

«Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодийр. Аллоҳумма лаа маниъа лимаа

аътойта ва лаа муътийа лимаа манаъта ва лаа йанфаъу зал жадди минкал жадду»ни ўқир эдилар.

Маъноси: «Ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Унинг шериги йўқ. Мулк Унга хос. Ҳамд Унга хос. У ҳар бир нарсага қодир. Аллоҳим, Сен берганни тўсувчи йўқ, Сен тўсганни берувчи йўқ. Ҳузурингда бойлик эгасига бойлиги фойда бермас».

*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***
***Таржимон Анвар Аҳмад***